

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА Ш. А., АХАТОВА Д.А., ХОДЖИЕВА Ф. О.

ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА

НАВОИ-2006

Ушбу методик қўлланма «БТУ ва тарбиявий иш» бакалавриат таълим йўналиши учун мўлжалланган «Танқидий фикрлашнинг педагогик асослари» фани соҳасига оид билимлар мажмуини қамраб олади.

Қўлланмада Танқидий фикрлаш ва унинг мазмун, моҳияти, танқидий фикрлашнинг босқичлари, танқидий фикрлашни шакллантириш йўллари йўналишга ҳаракат қилинган. Ўқувчи-талабаларда мустақил, онгли ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилиш учун турли интерфаол методлардан фойдаланишнинг йўллари кўрсатиб берилган.

Қўлланма ўқитувчилар, талабалар ва барча танқидий фикрлаш муаммоси билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Муаллифлар: п.ф.д. Ш.А.Абдуллаева
доцент. Д.А.Ахатова
Ф.О.Ходжиева

Такризчилар: п.ф.н. доцент И.Т.Мислибоев
п.ф.н. доцент в.б. С.Сайитов

Мухаррир: ф.ф.д. Н.Муродова

КИРИШ

Мустақиллик йилларида биз ижтимоий-сиёсий жараёнлар одамлар ҳаётини кескин тарзда бир ўзандан иккинчи ўзанга буриб юборган, ҳаётимиз бутунлай бошқача тус олган ва турмушимиз ўзгача мазмун касб этган мураккаб руҳий-маънавий ҳолатни бошдан кечиrypмиз. Йиллар мобайнида қотиб қолган тушунчаларимиз ўзгармоқда ва мудраб қолган онгимиз ўйғонмоқда. Кейинги йилларда хуррият буюк ўзгартирувчилик мўжизасини кўрсатиб, дунёқарашимизни ўзгартириб, фикримиз, тафаккуримизни бойитмоқда. Воқеалар ривожини бутун моҳияти билан англашни, дунёга кенгроқ ва тийрақроқ назар билан қарашни тақозо этади.

Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек, жамиятда мустақил фикрловчи, эркин шахсни шакллантирсак, ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ўзбекистон давлатининг ҳар томонлама ривожланиши ва амалга ошириладиган ислохотларнинг муваффақияти аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг мустақил фикрлаши, кенг билими, тарбияси ва маданиятининг қай даражада шаклланганлиги даражасига боғлиқ. Шу сабабли, жамиятимиздаги барча ёшларда эркин мушоҳада қилиш танқидий фикрлаш қобилиятини шакллантиришимиз лозим.

100 соатга мўлжалланган «Танқидий фикрлашнинг педагогик асослари» деб номланмиш ўқув қўлланма, педагогика олийгоҳлари талабаларини келгуси мутахассисликларида зарур дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Қўлланмада назарий билимлар билан бирга тақдим қилинаётган материалдан сўнг мустаҳкамлаш учун топшириқлар келтирилган. Улар талабаларнинг продуктив ва репродуктив билимларини сарҳисоб қилишга имконият яратади. Инновацион услублардан фойдаланган ҳолда ўқитиладиган мазкур маърузаларда талабалар эркин мушоҳада қилишга, ўз фикрларини тортинмасдан баралла айтишга ўрганадилар. Уларнинг коммуникатив қобилиятлари ривожлантирилиб, ҳамкорликда ишлаш кўникмалари шакллантирилади. Энг асосийси улар ўз фикрларини мустақил айтишга ва турли педагогик вазиятларни мустақил ҳал этишга ўрганадилар.

Бундай саволлар ўқувчиларда фан буйича билимларини мустаҳкамлайди, шу билан биргаликда педагогикадаги фанлараро боғлиқлик масаласини ижобий ҳал қилишда ҳам қўл келади ва талабаларда ижтимоий муносабатларнинг мазмунини англашларига замин яратади.

Қўлланмада келтирилган топшириқлар ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятида муаммоли вазиятларнинг шаклланиши, улар шахсида қизиқувчанлик, ўткир зеҳнлилик, мустақиллик, ўқишга қизиқиш ва ижодга интилиш каби фазилатларни тарбиялайди.

Бугунги кунда Республикамизда янги авлод дарсликлари, ўқув қўлланмалари яратилаётган бир пайтда муаллифлар ўзларининг саъй-ҳаракатлари билан тайёрлаган ушбу қўлланмани талабаларнинг эркин фикрлашлари учун зарур адабиёт сифатида қўйилган биринчи қадамлари деб ўйлайдилар.

1-Мавзу: **ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИАТИ**

Р е ж а:

1. Фикрлаш ва «нотанқидий» фикрлаш турлари
2. Танқидий фикрлаш ва унга турли қарашлар.
3. Танқидий фикрлашни ривожлантириш учун муҳит яратиш.
4. Танқидий фикрлашнинг элементлари:
 - а) Танқидий фикрлашда мустақил фикрлашнинг ўрни.
 - б) Ахборот танқидий фикрлашнинг бошланишидир.
 - в) Танқидий фикрлашда савол қўйиш, муаммони аниқлаш.
 - г) Танқидий фикрлашда ишончли далилларга таяниш.
 - д) Танқидий фикрлашнинг ижтимоий характери.

Асосий тушунчалар

Фикр, ғоя, ақл, фикр юритиш, мантикий фикрлаш, диққат билан ўқиш, чуқур мунозара юритиш, фикрлаш имконияти, ёзувда фикрни аниқ ифода этиш, онгни ўстириш, ўқувчида ўзига хос нуқтаи-назар пайдо қилиш, фикрларни таҳлил қилиш, муаммони аниқлаш, мураккаб муаммоларни ечиш, далил билан асослаш, ахборот-танқидий фикрлаш бошланиши, далиллар, назариялар, маълумотлар, концепциялар.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури».Т., 1997 й.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
3. Джени Стил, Керт Мередис, Чарльз Темпл. Проект: Чтение и письмо для развития критического мышления. Пособия 1-7. Бишкек, 2000.
4. Дайана Халпери. Психологическое мышление.-Сант-Петербург, 2000.
5. Дэвид Клустер. Танкидий фикрлаш нима? Таржимон К.Ишматов. СОРОС «Танкидий фикрлаш асослари» дастури.
6. Arendt H. (1977) Tinking New York: Harcourt.
7. Фарберман Б.Л. ва бошқ. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
8. Халқаро очик жамияти институтининг «Танкидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мақсади- «таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш»¹дан иборатдир. Бу эса ўз навбатида таълим жараёнига бошқача назар билан қарашни талаб этади. Дунёга янги кўз билан қарайдиган, удабурон, ишнинг кўзини билувчи, буюк келажагимиз пойдеворини қурувчи ва юксалтирувчи мутахассис кадрларни тайёрлаш, Республикамиз педагоглари олдида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифадир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, бугунги кунда таълим жараёнини мазкур муаммо ечимларига қаратилган ўқув-услубий мажмуалар билан таъминлаш тақозо этилади. Шундай экан, педагогика олийгоҳларида фан сифатида киритилган «Танкидий фикрлашнинг педагогик асослари» курси замонавий ва жаҳоннинг энг илғор таълим технологиялари билан танишишга ёрдам беради.

Танкидий фикрлаш бу- ХХІ аср талабларини муваффақиятли рўёбга чиқаришимизга имконият яратувчи, ўрганаётган ва бажараётган ишимизни янада чуқурроқ англашимизга ёрдам берувчи ижобий кўникмадир. Танкидий фикрлашга ўргатиш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида баён этилган юқори касбий маданиятли, ижодий ва ижтимоий фаол ҳаётда ўз ўрнини топа оладиган малакали кадрларни шакллантириш вазифасини ҳал қилишга ҳам мос келади. Хўш, шундай бўлса танкидий фикрлашнинг ўзи нима? Адабиётларда бу тушунчага берилган турли хил таърифларни учратиш мумкин.

Бу тушунча ҳақида гапиришдан олдин, айрим ақлий фаолият кўникмаларини кўриб чиқайлик, лекин уларни танкидий фикрлаш деб бўлмайди. **Эсда сақлаш**- энг муҳим фикрлаш жараёни бўлиб, бусиз ўқув жараёнини амалга ошириб бўлмайди, лекин у танкидий фикрлашдан тубдан фарқ қилади. Компьютернинг хотираси ҳар биримизникидан анчагина яхшироқ, лекин эсда сақлаш танкидий фикрлашни билдирмайди. Кўпчилик ўқитувчилар ҳар қандай фикрлашдан кўра хотирани ривожлантиришни юқорироқ қадрлайдилар, назорат ишлари ва имтиҳонларда асососан ўқувчилар хотираси кўламини текширадилар. Лекин танкидий фикрлаш тарафдорлари эса ақлий фаолиятнинг мураккаброқ турларини назарда тутаяди.

Ўқув жараёнини усиз амалга ошириб бўлмайдиган «нотанкидий фикрлаш» турларидан яна бири- **мураккаб ғояларни тушуниш** билан боғлиқ. Биология ва математика, тарих ва адабиёт дарсларида ўқувчилар баъзан ўқитувчининг айтганлари ёки дарсликда нима ҳақида ёзилганлигини тушуниш учун анча «бош қотирадилар». Тушуниш, айниқса, агар ўқув материали қийин бўлса, мураккаб ақлий жараён бўлиб

¹ Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққийининг пойдевори. Т., «Шарж», 1998й, 12--бет

ҳисобланади. Масалан, талаба мураккаб теоремани тушуниш учун бош қотирмоқда. Албатта унинг миясида мураккаб аклий жараёнлар кечади, лекин буни ҳам ҳозирча танқидий фикрлаш деб бўлмайди. Биз ўзгалар фикрини тушуниш устида ишлар эканмиз биринчи босқичда бизнинг шахсий фикрлашимиз сушт бўлади: бунда биз фақат бизгача кимдир томонидан яратилганни идрок қиламиз холос, танқидий фикрлаш эса, янги, тушуниб бўлинган ғоялар текширилаётганда, баҳоланаётганда, ривожлантирилаётганда ва қўлланаётганда содир бўлади. Далилларни эслаб қолиш ва ғояларни тушуниш эса танқидий фикрлаш учун зарур бўлган дастлабки шартлар бўлиб ҳисобланади, лекин улар ўзаро яхлитликда ҳам танқидий фикрлашни англатмайдилар.

«Танқидий фикрлаш» тушунчасига мос келмайдиган яна бир фикрлаш тури бу-
ижодий ёки ички ҳис билан (интуитив) сезиб фикрлашдир. Спортчи, рассом, музикачилар миясида ҳам мураккаб фикрлаш жараёни содир бўлади, лекин улар буни ҳатто сезмайдилар ҳам.

У ҳолда «танқидий фикрлаш» нима?

«Танқидий фикрлаш» атамасидан педагогик муҳитда анчадан бери фойдаланиб келинади ва турли педагоглар буни турлича тушунадилар. Кўпчилик ўқитувчилар ва услубиётчилар учун танқидий фикрлаш «юқори тартибдаги» фикрлашни билдиради-юқори дегани шу маънодаки, У Бенжамин Блумм тизимида кўра ўрганиш қобилиятларининг сўнгги олий поғонасида туради. Файласуфлар танқидий фикрлаш деганда, одатда мантикий фикрлаш ва исботлаш кўникмаларини тушунадилар, унинг ёрдамида талабалар диққат билан ўқиш, чуқур мунозаралар юритиш ва ёзувда ўз фикрларини аниқ ва ўйлаб ифода этиш имконини оладилар. Адабиёт назариётчилари ва тарихчилари учун матннинг таркибий қисмларини ажратишга ва матннинг китобхонга таъсир қилиш усуллари танқидий қайта мушоҳада қилишга, ҳамда муаллиф асарни яратишда амал қилган сабабаларни аниқлашда ёрдам берадиган матнга ёндашиш «танқидий» деб ҳисобланади.

Дайана Халпери «Психология критического мышления» китобида танқидий фикрлаш «фикр юритишнинг шундай кўринишини англатадики, у вазминлик, мантик ва мақсадга йўналтирилганлик билан ажралиб туради», - деб ёзади.

Джени Стил, Керт Мередис, Чарльз Темпларнинг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш учун ўқиш ва ёзиш» (ЎЁТФ) лойиҳасида қуйидагича таъкидланади: «Одам танқидий фикрлар экан, у ёки бу ғоялар билан танишади, уларни амалга оширишдаги мумкин бўлган оқибатларини ҳам эътиборга олади. Бунда одам бу ғояларни дастлаб маълум даражадаги ишончсизлик билан идрок қилади ва қарама-қарши нуктаи-назарлар билан таққослайди. Уларни асослаш учун қўшимча мулоҳазалар тизимидан фойдаланади ва булар асосида ўз нуктаи-назарини ишлаб чиқади». Танқидий фикрлаш- ғоя ва имкониятларни ижодкорлик билан уйғунлашуви, концепция ва ахборотларни қайта фикрлаш ва қайта қуришдек мураккаб жараёндир. Бу фаол ва интерактив билишнинг бир неча даражаларида бир вақтда рўй берадиган жараён ҳам бўлиб ҳисобланади. Танқидий фикр эгасига ҳийла-найранглар камроқ таъсир қилади, ўзининг шахсий қарашлар тизими бўлгани учун улар турли хавф-хатардан холи бўладилар.

Танқидий фикрлашда ғоялар ва уларнинг аҳамияти кўпфикрлилиқ нуктаи-назаридан кўриб чиқилади ҳамда улар бошқа ғоялар билан таққосланади. Бу фикрлашнинг энг юқори даражаси аклий фаолият бўлиб, унда таҳлил, таққослаш, изоҳлаш, қўллаш, тортишув, янгилик, муаммоларни ҳал қилиш ёки фикрлаш жараёнини баҳолашга алоҳида эътибор берилади.

Танқидий фикрлаш мулоқот ва гуруҳ билан ишлаш малакаларини ривожлантиради.

Танқидий фикрлаш таълим жараёнига жўшқинлик бахш этади, машғулотларни ўқитувчи ва ўқувчи учун қувончга айлантиради.

Танкидий фикрлашга оид қарашлар:

Ресник: «Ўқувчилар ўз билимларини муайян масалаларни ечишда тадбиқ эта олсаларгина уларда билим ва ижодий фикрлаш ривожланади» (1987)

Рос: «Ўқувчиларнинг олдин эгаллаган билимларига ва тажрибаларига асосланган ўқиш мустаҳкам бўлади. Буларнинг ҳаммаси ўқувчига янги ахборотни билганлари билан боғлаш имкониятини беради» (1990)

Бенкс: «Ўқитувчилар ғоялар ва тажрибаларнинг турли-туманлигини тўғри тушунсаларгина танкидий фикрлаш ва ўқиш яхши натижа беради. Агар «ягона битта жавоб руҳи» устуворлик қилса, унда танкидий фикрлашга имкон бўлмайди. (1988)

Танкидий фикрлашни ривожлантириш учун муҳит яратиш.

Ҳозирда ўқувчиларни «ўқишга ўргатиш», ва танкидий фикрлашни эгаллашлари муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Янги ахборотларга дуч келар экан, ўқувчилар уни мустақил равишда баҳолаши, унга турли хил нуқтаи-назардан қараши, ундан ўз эҳтиёж ва мақсадлари йўлида фойдалана олиш имконияти тўғрисида ҳулоса ясай олишлари зарур. Ҳақиқий танкидий фикрлайдиган одам бўлиб етишиш учун ўқувчилар ижодий фикрлаб, ўзини синаб кўриши ва бунга оид малакаларни эгаллаши зарур.

Ўқувчиларга танкидий фикрлаш учун энг аввало, уларнинг ўзлари масъул эканликларини тушунтириш лозим. Педагогнинг вазифаси ўқув хонасида танкидий фикрлашни рағбатлантириб турувчи муҳитни яратишдангина иборат бўлади.

Танкидий фикрлашни пайдо қилиш учун қуйидагилар бўлиши керак:

- ўқувчида ўзига хос нуқтаи-назарни пайдо қилиш;
- бир фикрдан бошқасининг афзаллигини асослаш маҳорати;
- мураккаб муаммоларни ечиш маҳорати;
- баҳсни далиллаб олиб бориш;
- ягона фикрни ишлаб чиқиш учун биргаликда ишлаш маҳорати;
- қарашар ва тасаввурлага ҳаётий тажриба қандай таъсир қилишини тушуниш.

Ўқувчиларни ҳақиқатан ҳам долзарб муаммо ҳақида фикрлаш имкониятидан маҳрум қилиб, мантикий жараёнларни мавҳум тарзда ўрганиш эмас, балки ўқувчиларни тезда фаол ўйлаш жараёнига киришишга, уни тажрибада амалга оширишга имкон берадиган услубият энг яхши ҳисобланади. Бундан ташқари, ўқувчиларни ҳақиқатда безовта қилувчи муаммолар ҳақида сўз борганда ташаббус уларнинг ўзидан чиққанда, танкидий фикрлаш яхшироқ ривожланади.

Танкидий фикрлашни ривожлантириш осон нарса эмас. Бу маълум ёш даврида ўргатиш тугалланиши ва унутилиши мумкин бўлган масала ҳам эмас. Танкидий фикрлашга олиб борадиган аниқ-равшан йўллар йўқ. Бироқ ўқитиш шартларининг муайян тўплами борки, унинг ёрдамида танкидий фикрловчиларни табиёлаш мумкин. Жумладан, қуйидаги шартлар зарур:

1. Танкидий фикрлаш тажрибасини орттиришга вақт ва имконият бериш.
2. Ўқувчиларга фикрлаш имкониятини бериш.
3. Турли ғоя ва фикрларни қабул қилиш.
4. Ўқув жараёнида ўқувчиларнинг фаол қатнашишларига имкон бериш.
5. Ўқувчиларни уларнинг устидан ҳеч ким қулмаслигига ишонтириш.
6. Ҳар бир ўқувчини у танкидий мулоҳаза юритишга қодир эканлигига ишонтириш.
7. Танкидий фикрлаш пайдо бўлишини қадрлаш.

Шу билан бирга, ўқувчилар:

1. Ўз-ўзига ишончни ривожлантириб, ўз ғоя ва фикрларининг қимматини тушунишлари керак.
2. Таълим жараёнида фаол қатнашишлари лозим.
3. Турли фикрларни ҳурмат билан эшитишлари керак.
4. Ўз мулоҳазаларини шакллантиришга тайёр бўлишлари ёки ундан ўзларини тийишлари лозим.

Танқидий фикрлашнинг элементлари қуйидагилардан иборат:

- танқидий фикрлаш- бу мустақил фикрлашдир;
- ахборот- танқидий фикрлашнинг бошланишидир;
- танқидий фикрлаш саволнинг қўйилиши ва ҳал қилиниши зарур бўлган муаммони аниқлашдан бошлади;
- танқидий фикрлаш ишончли далилларга интилади;
- танқидий фикрлаш-ижтимоий фикрлашдир.

Биринчидан, танқидий фикрлаш- бу мустақил фикрлашдир.

Машғулот танқидий фикрлаш тамойиллари бўйича яратилар экан, ҳар бир иштирокчи бошқаларникидан мустасно ҳолда ўзининг ғояси, баҳолаши ва ишончига эга бўлади. Ҳеч ким биз учун танқидий фикрлаб бермайди. Биз фақат ўзимиз учунгина бундай фикрлай оламиз. Демак, фикрлаш якка тартибли характерга эга бўлгандагина, уни танқидий фикрлаш деб аташ мумкин. Ўқувчилар ўз ақли, фикрлаши ва энг мураккаб саволларга ҳам ўзлари жавоб топа олиш эркинлигига эга бўлиши керак. Қандай фикрлаш зарурлигини ҳар бир талаба ўзи учун ўзи ҳал қилади. Шундай қилиб, мустақиллик танқидий фикрлашнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир.

Иккинчидан, ахборот танқидий фикрлашнинг натижаси эмас, балки унинг бошланишидир. Билим одамни танқидий фикрлашга ундовчи мотив бўлиб ҳисобланади. Баъзан «бўш калла билан фикрлаш қийин», деб ҳам айтишади. Мураккаб фикрни яратиш учун анчагина «хом ашё»- далиллар, ғоялар, матнлар, назариялар, маълумотлар, концепцияларни қайта ишлаш зарур.

Ҳар қандай ёшда ҳам танқидий фикрлаш мумкин: фақат талабалардагина эмас, балки ҳатто биринчи синф ўқувчиларида ҳам ҳаётий тажриба ва билимлар мавжуд бўлади. Болаларнинг фикрлаш қобилиятлари ўқитиш натижасида янада такомиллашиб боради. Ҳатто жуда ёш болалар ҳам танқидий фикрлаш ва бутунлай мустақил фикрлаш қобилиятига эга. Айнан танқидий фикрлаш туфайли одатдаги билиш жараёни алоҳидалик ва англашувчанлик, узвийлик ва самарадорлик касб этади.

Учинчидан, танқидий фикрлаш, саволнинг қўйилиши ва ҳал қилиниши зарур бўлган муаммони аниқлашдан бошланади. Инсоният ўз табиатига кўра қизиқувчандир. Биз бирон-бир янгиликни сезар эканмиз, албатта унинг моҳиятини билишни хоҳлаймиз. Қандайдир тарихий обидани кўрар эканмиз, бизда унинг ичкарисига кириш истаги пайдо бўлади. «Барча ҳайвонот оламида, - деб ёзади кимёгар ва файласуф Микаел Полоний, - унинг энг содда шакли бўлган чувалчангдан, эҳтимол ҳатто амёбадан бошлаб, биз адабий эҳтиёткорлик ҳаракатини, эҳтиёжни бевосита қондиришга боғлиқ бўлмаган изланувчанлик фаолиятини: ҳар қандай жонли мавжудотни ўз атрофини ақл-заковат билан назорат қилишга интилишини кузатамиз»¹. Қизиқувчанлик ҳар қандай тирик мавжудотнинг ажралмас хусусиятидир. Бу хусусият ёш болаларда айниқса кучли бўлади. Бироқ, ҳар қандай босқичдаги ҳақиқий билиш жараёни ўқувчининг муаммони ҳал қилиши, ўзининг шахсий қизиқишлари ва эҳтиёжларидан пайдо бўлган саволларга жавоб излаши билан белгиланади.

Америкалик файласуф ва педагог Ж. Дьюининг айтишича, агар ўқувчилар муайян муаммо билан шуғуллана бошласаларгина, уларда танқидий фикрлаш пайдо бўлади. «Ўқув жараёнининг бошланғич нуқтаси ҳисобланган, бирор вазият ёки ҳодисага тегишли бўлган энг муҳим савол бу ҳодиса қандай муаммони вужудга келтиришини англатадиган саволдир». «Фақатгина муайян муаммо билан курашиб, мураккаб вазиятдан чиқиш учун ўзининг шахсий йўлини излагандагина, ўқувчи ҳақиқатан ҳам фикрлайди»².

¹ University Sacramento 4 | Meyers C (1986) Teaching Students to Think Criticallu: A Guide for Fakultu in All Disciplines San Francisco: Jossey-Bass. C.41)

² Дэвид Клустер. Танқидий фикрлаш нима? Таржимон К.Ишматов. СОРОС «Танқидий фикрлаш асослари» дастури.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўрар экан, ўқувчилар тўқнашиши мумкин бўлган муаммолар доирасини аниқлаши, сўнгра эса, ўқувчиларни бу муаммоларни ўзлари мустақил равишда шакллантиришларига тайёрлаши зарур. Танқидий фикрлаш туфайли ўқиш эски «мактаб» ишидан аниқ мақсадга йўналган, мазмунли фаолиятга айланади ҳамда бу фаолият давомида ўқувчилар ҳақиқий ақлий иш бажариб, ҳақиқий ҳаётий муаммоларни ҳал қиладилар. Улар далиллар тўплаб, матнларни таҳлил қилиб, тенг кучли нуктаи-назарларни таққослаб ҳамда жамоа имкониятларидан фойдаланиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб излайдилар ва уни топадилар.

Тўртинчидан, танқидий фикрлаш ишончли далилларга интилади. Танқидий фикрловчи киши муаммонинг ўз шахсий ечимини топади ва бу қарорни оқилона, асосли далиллар билан мустаҳкамлайди. У бошқа қарорлар бўлиши мумкинлигини ҳам тан олади, лекин ўзи танлаган қарор бошқаларга нисбатан энг мантиқий ва оқилона эканлигини исботлашга ҳаракат қилади.

Ҳар қандай ишончли далил уч асосий қисмдан иборат бўлади. Тасдиқлаш-далил маркази, унинг мазмуни бўлиб ҳисобланади (баъзан у тезис, асосий ғоя ёки қоида деб юритилади). Тасдиқлаш бир неча далиллар билан мустаҳкамланади. Далилларнинг ҳар бири ўз навбатида исботлар билан мустаҳкамланади. Статистик маълумотлар, матн парчаси, шахсий тажриба, умуман олганда, ушбу ишончли далилларни исботлашга ёрдам берувчи ва муҳокаманинг бошқа иштирокчилари томонидан тан олиниши мумкин бўлган барча ғоялардан исботловчи сифатида фойдаланиш мумкин. Ишончли далилларнинг юқорида қайд қилинган барча қисмари тасдиқ, далил ва исботлаш негизиди, унинг тўртинчи қисми бўлган асос туради. Асос-бу қандайдир йўналтирувчи ҳисобнинг бошланғич нуктаси бўлиб, у нотик учун ҳам, ёки ёзувчи ва унинг мухлислари учун ҳам умумий бўлади ва у барча ишончли далиллар учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ишончли далиллар, унга қарама-қарши далилларни мавжуд бўлиши, уларни ё ошириб кўрсатилиши, ёки қабул қилиниши мумкинлигини ҳам ҳисобга олгандагина ютади. Бошқача нуктаи-назарларнинг тан олиниши ишончли далилларнинг таъсир кучини янада оширади. Ўта таъсирчан далиллар билан қуролланган танқидий фикрловчи киши, ҳатто катта обрўга эга бўлган фикрга ҳам қарши тура олади, амалиётда бундай кишининг фикрини ўзгатириш мумкин эмас.

Бешинчидан, танқидий фикрлаш- ижтимоий бўлиб ҳам ҳисобланади (ҳар бир инсон ижтимоий организмдир). Ҳар қандай фикр, агар у бошқалар билан ўртоқлашилгандагина ўткирлашади ёки файласуф Ханна Арентдт ёзганидек: «кимнингдир ҳузуримда бўлиши, мени баркамолликка эриштиради»¹. Баҳслашувда, ўқиганимизда, муҳокамада иштирок этганимизда, эътироз билдирганимизда, бошқалар билан фикр алмашганимизда биз ўз нуктаи-назаримизни аниқлаштирамиз ва уни чуқурлаштирамиз, шунинг учун ҳам танқидий фикрлаш йўналиши ишлаётган педагоглар ўз мағлотларида жуфтликда ёки гуруҳларда ишлашнинг турли шаклларида фойдаланишга, бунда дебат ва мунозаралардан самарали фойдаланишга ҳамда ўқувчилар ёзма ишларини намойиш қилишнинг турли кўринишларидан фойдаланишга интиладилар. Умуман олганда, ҳар қандай танқидий фикрловчи бирон-бир жамоа билан ишлайди ва фақат ўз шахсини конструкциялашга нисбатан анчагина кенг маънодаги вазифаларни ҳал қилади.

Шунинг учун ҳам танқидий фикрлаш йўналишида ишлайдиган ўқитувчи: вазминлик, бошқаларни эшитишга ўрганиш, ўз фикрига жавобгарлик каби ўзаро самарали фикр алмашиш учун зарур бўлган сифатларни шакллантиришга кўпроқ эътибор беради. Шундай қилиб, бу ўқитувчилар ўқув жараёнини синф хонасидан ташқарида кечаётган ҳақиқий ҳаётга яқинлаштиришга эришадилар.

¹ Arendt H. (1977) Tinking New York: Harcourt.)

Танкидий фикрлаш ёзма ишда яққолроқ намоён бўлади. Ёзувда фикрлаш жараёнини кузатиш мумкин бўлади ва бу ўқитувчи учун ҳам қулайлик яратади. Ёзаётган ўқувчи доимо фаол бўлади. У доим мустақил фикрлайди ва бунда у ўзида мавжуд бўлган барча билимлардан фойдаланади. У ўз фикрини мустаҳкамлаш учун етарли даражадаги ишончли далилларни қаторлаштириб ташлайди. Бундан ташқари у ўз табиати жиҳатидан ижтимоий характерга эга бўлади. Чунки, хат ёзувчи, уни ўқийдиганга мўлжаллаб ёзади. Ўқувчи учун энг қимматлиси- ўқитувчининг унинг ишига қизиқиши ва унга ҳурмат билан қараши, ўз фикрлари тўғрисида синфдошлари, бошқа ўқитувчилар, ота-оналар ва хатто нотаниш кишилар билан ўртоқлашиш имкониятига эга бўлаганлигидир. Шунинг учун ёзишни танкидий фикрлашнинг энг муҳим воситаси деб ҳисоблаш мумкин.

Топшириқ

1. Ҳозирги кундаги таълим ва тарбияга ўз муносабатингизни баён этинг.
2. Қайси дарсларда ўз фикр ва қарашларингизни эркин баён қила оласиз ва бунинг сабабини таҳлил қилинг.

2-Мавзу: **ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ АСОСЛАРИ**

Режа:

1. Танкидий фикрлаш босқичлари
2. Чақириқ (даъват) босқичининг мақсади ва аҳамияти.
3. Англаш босқичининг мақсади, вазифаси ва аҳамияти.
4. Танкидий фикрлашда мулоҳаза қилиш (фикрлаш) босқичининг ўрни.

Асосий тушунчалар

Танкидий фикрлаш асоси, чақириқ- қизиқиш уйғониши, саволлар туғилиши, янги билим учун интилиш; англаш- янги ўқув материалнинг тушунилиши, ўз тушунчалари «орқасидан кузатиб» бориш, рефлексия, ўзи-ўзини кўриш; мулоҳаза қилиш- билимлар мустаҳкамланади, ўқиганликнинг ортиши, янги ғоя ва ахборотларни ифодалай олиш; таълим мақсадларини ажратиш, фаол мунозара, фаоллик, рағбатлантириш

Адабиётлар

1. Джени Стил, Керт Мередис, Чарльз Темпл. Проект: Чтение и письмо для развития критического мышления. Пособия 1-7. Бишкек, 2000.

2. Дэвид Клустер. Танкидий фикрлаш нима? Таржимон К.Ишматов. СОРОС «Танкидий фикрлаш асослари» дастури.
3. Фарберман Б.Л. ва бошқ. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
4. Халқаро очик жамият институтининг «Танкидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й

Танкидий фикрлаш асослари уч боскич (фаза)дан иборат бўлади, булар:

- Чақириқ (даъват),
- Англаш,
- Фикрлаш (мулоҳаза) боскичларидир.

Танкидий фикрлаш **ЧАҚИРИҚ** деб атайдиган боскичдан бошланади, унинг давомида ўқувчиларнинг қизиқиши уйғонади, зарур саволлар туғилади ва бундай билимларни олиш учун сабаблар шаклланади. Шундан кейин маънони **АНГЛАШ** боскичи келади, унинг давомида ўқувчилар излаш учун рағбат оладилар, баъзи ҳолларда бунга ўрганадилар ҳам. **ФИКРЛАШ** боскичи кульминация бўлиб ҳисобланади, унинг давомида ўқувчилардан ўз билимларини умумлаштириш, билиб олган нарсаларни бунгача билган нарсалари билан таққослаш, уларнинг саволларига жавобларни қай даражада олганига қараб баҳолаш (ва заруратга қараб янги саволларни шакллантириш), билган нарсаларини янада катта муаммоларга қўллаш, билиб олган нарсаларини мунозара қилиш ва ҳимоя қилиш кабилар илтимос қилинади.

Чақириқ боскичининг аҳамияти шундан иборатки, унда янги билимлар, ўзи мустақил танлаган мақсад учун интилиш анчагина кучли бўлади. Чақириқ боскичида фаолиятнинг бир нечта билим берувчи муҳим турлари амалга оширилади. **Биринчидан**, ўрганувчи мазкур мавзу тўғрисида билганларини тиклашда фаол иштирок этади. Бу эса уни ўз билимларини таҳлил қилишга ва тез орада атафсил кўриб чиқиладиган мавзу ҳақида ўйлашни бошлашга мажбур этади. Бошқа иккита боскич тушунтирилганидан кейин дастлабки ҳаракатнинг аҳамияти равшанроқ бўлади.

Ўқувчиларни билганлари тўғрисида ўйлашларига кўмаклашиш, қизиқиш уйғотиш амалга ошади. Ўқувчилар янги билимлар қўшилиши мумкин бўлган ўз билимларининг даражасини аниқлайди.. Агар билим одам билган ва тушунганлар контекстида олинган бўлса, пухта бўлади. Агар ахборот ўқувчига олдинги билимлар билан боғланмасдан берилса, у тез йўқолиб кетади.

Таълим жараёни- янгиларни маълум бўлганлар билан боғлаш жараёнидир. Ўқувчининг янги тасаввурлари илгариги билимлари ва тасаввурлари асосида қурилади. Ўқувчиларга илгариги билим ва тасаввурларини тиклашга ёрдам бериб, янги ахборотларни узоқ муддатга тушуниш учун кенг асослар яратиш мумкин.

Чақириқ боскичининг **иккинчи мақсади**- ўрганаётганларни фаоллаштиришдан иборатдир. Таълим- интилиш талаб этадиган актив фаолиятдир.

Ўқувчилар янги ахборотни онгли, пухта тушунишлари ва янги ахборотга танкидий ёндашишлари учун таълим жараёнида фаол қатнашишлари керак. Ўқувчи белгиланган мақсад асосида ўйлаб, фикрларини ўз сўзлари билан ифодалаш орқали фаоллашади. Билимларни намоёни қилиш (ўзига ва шеригига) оғзаки ёки ёзма нутқ ёрдамида, фаол фикрлаш орқали содир бўлади. Шундай қилиб, илгари олинган билимлар англаш даражасига олиб чиқилади. Энди улар янги билимларни ўзлаштириш учун негиз бўлиши мумкин. Бу эса ўқувчиларга янги ахборотни аввал билганлари билан самарали боғлашга имконият беради, чунки тушуниш учун контекст пайдо бўлди.

Чақирик босқичининг **учинчи мақсади**- бунда таклиф этилган мавзуни кўриб чиқишга қизиқиш туғдирилади ва мақсад аниқланади. Қизиқиш ва мақсаднинг бўлиши ўқувчиларнинг фаоллигини янада оширади. Мақсадни аниқлаш таълимда энг муҳимдир.

Мақсад икки хил бўлади: ўқитувчи томонидан ёки таклиф этилган матнда кўйилган мақсад ва ўқувчи мустақил равишда танлаб олган мақсад. Мустақил равишда танланган мақсадлар, ташқаридан мажбурий киритилган мақсадлардан кучлироқ бўлади. Шахсий қизиқиш шахсий мақсадни белгилайди. Агар барқарор қизиқиш бўлмаса, ўқув фаолиятининг мотивацияси пасаяди. Умуман олганда ўқувчи ўз саволларига жавоб олиши орқали ҳақиқий тушунишга эришади.

Англаш босқичининг аҳамияти. Англаш фазасида янги ахборот даъват фазасида фаоллаштирилган ахборот билан боғланади.


Бу босқичнинг асосий вазифаси, **биринчидан**, чақирик босқичида яратилган қизиқиш ва ҳаракатланиш инерциясини, фаолликни қўллаб-қўвватлашдан иборат. **Иккинчи** муҳим вазифаси ўқувчиларда ўз тушунишини кузатишга доир интилишларини қўллашдан иборатдир Субъектнинг ички жараёнлари ва ҳолатларини ўзи томонидан билиб бориши рефлексия (баъзан мета-билиш) деб аталади.

Рефлексия (лотинча reflexio- орқага қайтиш) фалсафий тушунча бўлиб, у индивид онгида содир бўлаётган ўзгаришлар ҳақида ўзининг мулоҳаза юритишини англатади. Рефлексия- бу субъектнинг фақатгина ўзини-ўзи тушуниши бўлибгина қолмай, балки у «рефлексияланувчи»ни, унинг шахсий хусусиятлари, таъсирга жавоб беришининг ифодаланганлиги ва билишга оид тасаввурларнинг ойдинлаштирилиши ва бошқалар томонидан тушунилишини ҳам англатади¹.

Фазанинг **энг муҳим вазифаси** эса, янги ўқув материалининг тушунилишига эришишдан иборатдир. Фаол ўқувчилар хабарни эшитиб, одатда савол берадилар ёки тушунмаганларини кейинчалик аниқлаш учун ёзиб қўядилар. Суст ўқувчилар эса бундай қилмайдилар, улар вужудга келган чалкашликлар, англашилмовчиликлар ҳақида ёки ниманидир тушунмай қолганларини ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

Ўқувчилар ўз тушунишларини кузатганда, янги ахборотни ўзларидаги тасаввурлар билан солиштирадилар, онгли равишда янгиларни аввал маълум бўлганлари билан боғлайдилар. Улар янги тушунишни яратиш учун эски ва янги билимлар орасида кўприклар қурадилар.(қуйидаги чизмадаги каби):

Мавжуд ва янги билимлар ўртасидаги боғланиш:



Фикрлаш (мулоҳаза қилиш) босқичининг аҳамияти. Бу фазада билимлар мустаҳкамланади ва ўрганилаётган масала бўйича олдинги фазаларга нисбатан бошқача (тўлароқ) тасаввур шаклланади ва «ўқиганлик»нинг ортишига олиб келади. Ўқувчи ўз ўқув мақсадига эришгандагина бундай ўзгаришлар содир бўлиши

¹ Фарберман.Б.Л.. ва бошқ Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари.-Т., 2002, 138-бет

мумкин. Шундай қилиб, бу фазада ўқувчини ўқиганликнинг пастроқ даражасидан унинг юқорироқ даражасига ўтказиш содир бўлади. Бу ўқувчининг янги ғоя ва ахборотларни ўз сўзи билан ифодалай олишида акс этади. Ўқувчилар ўзларига кўпроқ ёққан нарсани яхшироқ эслаб қоладилар.

Фикрлаш босқичида бир нечта муҳим мақсадларга эришиш режалаштирилади. **Биринчи** навбатда, ўқувчилар янги фикр ва ахборотларни ўз сўзлари билан ифодалашга ҳаракат қилиб кўришлари керак.

Агар сизга эслаб қолиш керак бўлса- унутасиз. Агар сизга тушуниш керак бўлса- эслаб қоласиз.

Таълим натижаларининг қанча узоқ муддатга сақланиши ҳамда тушуниш даражаси турли одамларда ҳар хилдир. Тушунганларни ўз сўзлари билан ифодалаб, қайта тузганда шахсий англаган контекст юзага келади.

Фикрлаш босқичининг **иккинчи** мақсади ўқувчилар ўртасида фикрлар билан жонли алмашув ҳисобланади, бу уларга ўз сўз бойлигини кенгайтиришга ҳамда бошқа ўқувчиларнинг тасаввурлари билан танишишга имкон беради.

Ўзгарувчан танқидий фикрлаш турли фикрлар рағбатлантириладиган муҳитда кучаяди. Шунда ўқувчилар уларни ҳисобга олиб, ўз тасаввурларини қуришлари мумкин.

Танқидий фикрлашнинг асослари ўқитувчига шундай шароитлар яратадики, натижада у қуйидагиларга эришади:

- ўқувчиларнинг фикрлашини фаоллаштиради;
- таълим (ўқувчилар) мақсадини ажратади;
- фаол мунозараларга имконият яратади;
- ўқишга қизиқишни оширади;
- фаол ўқув фаолиятини таъминлайди;
- ўзгаришларни рағбатлантиради;
- фикр юритишни рағбатлантиради;
- ўқувчиларга турли хил фикрларни тинглашга имконият беради;
- ўқувчиларга ўз саволларини беришда ёрдам беради;
- ўқувчига ўз-ўзини рўёбга чиқаришга имкон беради;
- ўқувчилар томонидан ахборотлар қайта ишланишини таъминлайди;
- ўқувчиларда танқидий фикрлашга имконият яратади¹.

Синф ўқувчиларнинг шерикчилик жамиятига айланиб қолганида, турли фикрлар ривожланади. Ўқувчилар фаол бўладилар, ўқитувчи эса уларга шерик бўлиб ҳисобланади. Ўқувчилар фаол ўқув позициясини эгаллашади. Буларнинг ҳаммаси шахс ўзгаришига олиб келади, бу эса мустақкам билимга эга бўлишнинг шарти ҳисобланади. Ўқувчи муайян маънода ўқитувчи бўлиб қолади. Улар ўқитувчи фаолиятининг айрим қисмларини бажарадилар. Синф эса шерикчилик жамиятига айланади.

Бизнинг мисолимизда ўқитувчиларни танқидий фикрлашга ўргатишга қаратилган экан, улар бунга ўқитиш ва ўқиш даражаларида ўрганишлари даркор. Бу фақат курс мазмунинигина эмас, балки уни ўрганиш жараёнини ҳам ўзлаштириш демакдир. Талабаларни ўқитиш ҳам мана шу йўналишда бўлади, яъни нафақат натижа, балки жараённинг ўзи ҳам муҳимдир.

Стил, Мередис ва Темпллар ўқувчилар ўқув жараёнини ва унинг мазмунини ҳам тушунар эканлар, кейинчалик улар бутун ҳаёти давомида янги ахборотлар ва ғояларни излаб топиб, уларни амалий кўникмаларга айлантира оладилар, деб ҳисоблайдилар.

Агар танқидий фикрлаш зарур экан, унда ўқувчиларни ана шундай фикрлашга ўргатиш лозим. Ўқувчилар табиий ҳолда ёки уларга бундай фикрлаш зарурлиги айтилгани учун ҳам танқидий фикрлайдиган бўлиб қоладилар, деб таҳлил қилиб бўлмайди. Шунингдек, танқидий фикрлаш ўқув дастурига кўрсатма бериш ёки унга эришув йўлини муайян қадамларини босиб ўтиш билангина шаклланиб қолмайди.

¹Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари (фанлараро дастур).Лойиҳа. 9-бет

Ҳақиқий танқидий фикрлайдиган одам бўлиб етишиш учун ўқувчилар ижодий фикрлаб, ўзини синаб кўриши ва бунга оид малакаларни эгаллаши зарур.

Стил, Мередис ва Темпллар тасдиқлаганидек, ижодий фикрлаш-бу одам учун фикрлашнинг таянч нуқтаси, ғоялар ва ахборотлар билан ўзаро муносабатда бўлишнинг табиий усулидир. Бу дарсда ёки ундан ташқарида бирданига содир бўладиган фаол жараён бўлиб, у ўқувчига ахборотларни қатъий назорат қилиш имконини беради. Шундай қилиб, ўқувчи ахборотни бўрттириб кўрсатиши, қайта кўриб чиқиши, уни ўзига мослаштириш ёки умуман қабул қилмаслиги мумкин. Қачонки ўқувчилар «Бу ахборотлар менинг учун аҳамиятлими?», «Мен бу билимлардан қандай фойдаланаман?», «Бу билимларни менинг билганларим билан муносабати қандай?», «Бу ахборот фойдалими?», «Менинг бу ғояларга муносабатим қандай?», «Бу ғоялар рўёбга чиқарилганда мен ва бошқалар учун оқибати қандай бўлади?» каби саволлар бергандагина бундай ҳол содир бўлади.

Танқидий фикрлашга ўргатиш маълум вақт талаб этади. Бу вақтни ихтиёрий фанга оид вазифаларни ўрганишда танқидий фикрлаш орқали ўқув материални пухтарок ўзлаштиришга эришиш йўли билан тўплаб бориш мақсадга мувофиқдир. Энг муҳими, ўқитувчи ўқувчиларга улар ҳурмати томонидан «ягона тўғри жавоб» ни кутмасдан эркин фикрлашларига рухсат берилганлигини тушунтириши зарур. Бундай рухсат бериш, дўстона ва самарали, ўқувчиларни вариатив фикрлашини қўллаб қувватлайдиган муҳитда, албатта уни ўзбилармончиликка айлантирмаслик зарур.

Танқидий фикрлаш фаоллик билан боғлиқ. Агар ўқув жараёни ёки фикрлаш жараёнида фаоллик бўлмас экан, унда танқидий фикрлашнинг бўлиши мумкин эмас. Ўқувчиларни ўйлашга, фикр ва идеаллари билан ўртоқлашувга жалб қилиш учун ўқитувчи уларни «васвасага солиши» зарур. Ўқув жараёнида хавф -хатардан кўрқмайдиганларни қўллаб-қувватлаш лозим. Мулоҳаза юритиш жараёнида баъзан ўқувчилар ажойиб ғаройиб, ҳатто ақлга сиғмайдиган ғояларни олға суриб, бошқаларни ишдан чалғитиб қўйиши мумкин. Буни тўғри, машғулотнинг касбий фонидек қабул қилиб, эркин фикрлайдиган муҳитдагина танқидий фикрлаш вужудга келишини доимо ёдда сақлаш зарур. Бир ўқувчини, ҳатто баъмани фикр айтган бўлса ҳам, уни масхара қилиш, камситиш ва айниқса ҳақорат қилиш мумкин эмас. Ўқувчи у айтган ҳар қандай фикр ўқитувчи томонидан маъқулланишига ишонч ҳосил қилиши зарур. Бунга жавобан улар шахсий фикрлаш жараёнига ўта маъсулиятини шаклланиши билан жавоб берадилар.

Ўқув муассасаларида, одатда ўқувчилар ўзгалар ғоясини эслаб қолиши ва сўзлаб бериши билан банд бўладилар. Танқидий фикрлаш ўқувчиларда танқидий таҳлил натижасида яратган ғоясининг қимматга эга эканлигига ишонч ҳосил қилишни назарда тутди, акс ҳолда улар очикдан-очиқ танқидий фикрлаш билан машғул бўлмай кўядилар.

Ўзига ишончни шакллантирмасдан ижодий фикрлашни вужудга келтириш мумкин эмас. Шу билан бирга, ўзига ишончни, ўз ғурурини англаш ижодий фикрлашни тақозо қилади. Вужудга келган ҳалқани фақат ўқитувчигина ажрата олиши мумкин. У ишни шундай олиб бориши керакки, токи ҳар бир ўқувчи ўз фикрининг аҳамиятлилигига ишонч ҳосил қилувчи ахборот олиш учун ҳаракат қилиши зарур. Акс ҳолда у ўқувчи хавф-хатардан сақланиш мақсадида машғулотларда ўзини сушт тутди ва жамоа билан биргаликда танқидий фикрлашда иштирок этмайди.

Шу нарса тасдиқланганки, агар ўқувчи ўқув жараёнининг мураккаб қисмида фаол иштирок этсагина ундан жуда катта мамнуният ва юқори даражада мулоҳаза қила олганлигини ҳис этади. Бунда фаол иштирок этган ўқувчилар агар улар кўпроқ куч сарфлаб, астойдил ҳаракат қилиб билим олсалар, агар улар билиш жараёнида фаол иштирок этсаларгина бундан мамнуният ва ўта қониқиш ҳисси вужудга келишини сеза

бошлайдилар. Ўқитувчининг саволлари танқидий фикрлашни ривожлантиришда қудратли қурол бўлиб ҳисобланади.

Ўқитувчининг саволи ўқувчилар билиш қобилиятларини бошқариш воситасидир. Қайси маънода ёки вазиятда қўлланилишига қараб улар танқидий фикрлашни ривожлантириши ёки букиб қўйиши мумкин. Ўқиш жараёнини саволлар ёрдамида бошқариш кўникмаси ўқитувчининг методик маҳоратининг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Ижодий фикрлаш ахборотларни эслаб қолиш ва сўзлаб беришга оид фантологик саволлар берилишини деярли назарда тутмайди. Қуйдагиларни бундай саволларга мисол қилиб кўрсатиш мумкин: «Термодинамиканинг иккинчи қонунини айтиб беринг? «Ўтган кунлар» романининг муаллифи ким?» Ўқув жараёни бундай саволларсиз кечмайди. лекин улар ниҳоятда кўп берилмаслиги керак. Тажрибали педагог ўзининг фаоллаштирувчи саволлари билан ўқув хонасида ижодкорлик, танқидий фикрлашни ривожлантириш, ўқувчиларни мулоҳаза юритишга ундовчи умумлаштириш, таққослаш, ўхшашлик ва фарқларни англаш, ғоя ва таклифларни мукамал шакллантириш учун муайян шароит яратади. Бундай ҳолларда ўқувчиларнинг фикрлаш даражаси кўтарилади. Фикрлар кадр- қимматга эга эканлигини, улар умумий тушуниш ва тасаввурни ривожланишига ўз ҳиссасини қўша олишини ҳис этадилар.

Даъват фазасида бериладиган саволлар:

- «Ўтилган мавзуга оид қандай маълумотларни биласиз?»
- «Бу ҳақида сиз олдиндан нималарни биласиз?»
- «Бунинг сизга нима аҳамияти бор?»
- «Нимани тушунмадингиз, лекин уни билишни истайсиз?»
- «Нима учун бу муҳим?»
- Берилган матнни ўқиб бўлгандан сўнг:
- «Сиз нимани англадингиз?»
- «Бу сизни қандай фикрлашга йўллайди?»
- «Бу сизда қандай сезгиларни пайдо қилади?»
- «Бу материалдаги энг муҳим янгилик қайси?»
- «Бу материалда қайси саволлар жавобсиз қолган?»
- «Сизнинг бирор таклифингиз борми?»

Англаш фазасида бериладиган саволлар:

- «Бу материалдан сиз қандай янги маълумот олдингиз?»
- «Бу тўғрида сизнинг фикрингиз қандай?»
- «Бунинг аҳамияти нимада?»
- «Сизда нима чуқурроқ таассурот қолдирди?»
- «Буни сизнинг тажрибангизга алоқаси борми?»
- «Бу яхшими ёки ёмонми?»
- «Сиз муаммони яхлитлигича қандай тасаввур қиласиз?»
- «Воқеаларнинг ривожланиб бориши тўғрисида сизнинг фикрингиз қандай?»

Мулоҳаза қилиш фазасида бериладиган саволлар:

Рефлексия (мета билиш):

- «Мени бу ҳақдаги фикрим қандай?»
- «Биз бундан қандай хулосага келишимиз мумкин?»
- «Биз бу билимларни қаерда қўллашимиз мумкин?»
- «Мен сизга тарафдор бўлишим учун сиз нимани ўзгартиришингиз керак?»

«Нимани кўшиш ёки чиқариб ташлаш мумкин?»
«Ютуқ ва камчиликлар нимада деб биласиз?»
«Ўхшаш фикрларни ҳам кўриб чиқдингизми?»
«Қандай таклифларигиз бор?»

Ўқувчилар билиш фаолиятини фаоллаштиришда ўқитувчининг саволлари билан биргаликда талабаларнинг ўқитувчига ва курсдошларига берган саволлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади, шунинг учун ҳам уларни қўллаб-қувватлаш зарур.

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Матнни синчиклаб ўқинг. Ўзингизга ёққан ибораларни қитата тарзида дафтарингизга кўчиринг. Ҳар бир иборани асослаб беришга ҳаракат қилинг.
2. Матндан сиз нимани англадингиз? Бу материалдаги энг муҳим янгилик қайси? Сизда нима чуқурроқ таассурот қолдирди?»
3. Қўйидаги қитатани ўқинг ва уни шарҳланг. «Илм ўрган, у сенинг ёшлик пайтларингда тўғри юришингни таъминлайди. Катта бўлганингда буюк шахсга айланишингда асосий сабаблардан бўлади. Илм доим сенинг ҳамроҳинг бўлиб, адашишдан ва қоқилишингдан сақлайди, душманларингни мағлуб қилади»

Илм ва касб эгаллаш ҳақида

Фарзандлар илм олиб, оламни танишлари лозимлиги, ҳақиқатни англаш ва тафаккур қилиш учун илмнинг нақадар зарурлиги ҳамиша таъкидланиб келинган. Пайғамбаримиз ўз умматларини илм олишга даъват қилганлар, илм эгаллашга ҳаракат қилиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарз эканини қайта-қайта эътироф этганлар. Ҳадислардан бирида «Гарчи Чин мамлакатида бўлсангларда илм истанглар*» деб таълим берилган.

Ҳадисда айтилишича, бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган рўзадан нафи афзалдир. Ёки, бошқача қилиб айтганда, илмга асосланган ибодат тақлид қилинган ибодатдан афзалдир, тақвони тутиб турувчи устундир.

Аждодларимиздан бир уламо айтдилар: «Илм ўрган, у сенинг ёшлик пайтларингда тўғри юришингни таъминлайди. Катта бўлганингда буюк шахсга айланишингда асосий сабаблардан бўлади. Илм доим сенинг ҳамроҳинг бўлиб, адашишдан ва қоқилишингдан сақлайди, душманларингни мағлуб қилади*».

Илм олиш билан бир қаторда, фарзандлар касб-ҳунар ҳам эгаллашлари, унинг воситасида оилаларини ҳалол меҳнат билан боқишлари шарт. Пайғамбарларнинг ҳам ҳалол касб билан шуғулланганликлари тарихдан маълум. Масалан, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом чўпон ва савдогар бўлганлар. Довуд алайҳиссалом темирчилик қилганлар, Исо алайҳиссалом табиблик билан шуғулланганлар ва ҳоказо.

3-Мавзу: АНЪАНАВИЙ ВА НОАНЪАНАВИЙ ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Р е ж а:

1. Ўқитишнинг анъанавий шакллари.
2. Ўқитишнинг ноанъанавий шакллари.
3. Анъанавий ва ноанъанавий шаклларнинг ютуқ ва камчиликлари.

4. Педагогик инновациялар

Асосий тушунчалар

Дарс, синф-дарс тизими, марказда ўқитвчи туриши, маъруза, савол-жавоб, амалий, лаборатория машғулоти, олдинги билимга таяниш, Ўқитишнинг ноанъанавий модели- ҳамкорликда ўқитиш, моделлаштириш, ўрганишнинг тадқиқот модели, муайян муаммони ечиш, мустақил тадқиқот, ўқитиш жараёнини назорат қилиниши, вақтдан унумли фойдаланилиши, ўқувчиланинг пассивлиги-фаоллиги, ўзаро қайта алоқа, юқори даражадаги мотивация, танқидий фикрлаш ривожланиши, инновация.

АДАБИЁТЛАР

1. Фарберман Б.Л. ва бошқ. Олий ўқув юрларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
2. Осиё тараққиёт банкининг ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Т.. 2002.
3. М.Очилов. Янги педагогик технологиялар. Қарши, 2000 й
- 4.Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й

Таълим- тарбияга ёндашувлар. Ҳозирда таълим-тарбияга асосан анъанавий ва ноанъанавий (замонавий- тизимли, технологик, тадқиқий-ижодий) ёндашувлар мавжуд.

Хўп, таълимга анъанавий ва ноанъанавий ёндашиш нимаси билан фарқ қилади?

Анъанавий ёндашувнинг асосий хусусияти- ўқитувчи маълум ахборотни гапириб, тушунтириб беради, ўқувчи (талаба) эса бу билимни хотирасида сақлайди. Бунда «билим» тушунчаси хотирада сақланадиган ахборот маъносида тушунилади. Ўқувчининг билим даражаси имтиҳонда шу ахборотга доир саволга берган жавобига қараб аниқланади. Бу билим юзаки бўлиши ҳам мумкин ва у хотирада узок сақланмайди. Ўқувчининг ўзлаштириш даражаси, сифати ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш қийин.

Тизимли ёндашув ҳақида гапиришдан олдин «тизим» тушунчасига тўхтаб ўтсак. Тизим сўзи- тузилма, қисмлардан тузилган, бириккан нарса ёки ҳодиса маъносини англатади. Кибернетик тизим, ахборотлар тизими, ижтимоий муносабатлар тизими, ҳаракатлар тизими, педагогик тизим каби тушунчалар ҳам ишлатилади.

«Тизимли ёндашув илмий билиш методологияси ва педагогик амалиётнинг бир йўналиши сифатида универсал тавсифга эга, педагогикада кенг қўлланилади, таълим-тарбияга ҳам педагогик тизим сифатида қараш лозим»¹.

Тизимли ёндашув тузилиш вазифасига кўра бажариладиган таҳлилга яқин туради. Тизимли таҳлилнинг объекти яхлит нарса ёки ҳодиса (тизим) ҳисобланади, у объектнинг турли қисмларини, қисмларнинг ўзаро боғлиқлигини, тизимнинг чегараларини ва тизимнинг атроф-муҳит билан боғлиқлигини, алоқадорлигини назарда тутди.

Тизимли ёндашувда қатор принциплар мажмуидан фойдаланиладики, улар тадқиқотчилик ва амалий фаолиятда юқори натижаларга эришиш имкониятини яратади. М. Очилов бундай қоида-принциплар қаторига қуйидагиларни киритади:

¹ М.Очилов. Янги педагогик технологиялар. (маърузалар матни), Қрши., 2000й, 6 б.

мавхумликдан яққолликка қараб бориш; анализ билан синтезнинг, мантикийлик билан тарихийликнинг бирлиги; объектда боғланишлар ва ўзаро таъсирларнинг турличалиги; объектнинг тузилиши-вазифалари ва келиб чиқиши ҳақидаги тасавурларнинг бирлиги ва бошқалар¹.

Таълим ишига технологик ёндашув қуйидагиларни назарда тутати:

- ўқиш-ўқитиш жараёнини ўзаро узвий боғлиқ этаплар, фазалар, амалларга ажратиш, булишни;
- таълимдан кутилган натижага эришиш учун бажариладиган ҳаракатларни мувофиқлаштириш, кетма-кет, босқичма-босқич амалга оширишни;
- лойиҳалаштирилган ишлар, амалларнинг барчасини бирдек бажаришни.

Бундай ёндашув асосан репродуктив таълимга хос бўлиб, репродуктив таълим типик вазиятларда бирор иш-ҳаракатни олдин билиб олинган қоидалар асосида бажаришдир. Репродуктив даража учун педагогик технология усулида таълим такрор ишлаб чиқиладиган конвейрли жараён сифатида ташкил этилади, ундан кутилладиган натижа ҳам аниқ белгилаб қўйилади. Ўқув материали аниқ ифодаланган ўқув мақсадига мос қайта тузиб, ишлаб чиқилади, айрим бўлак (қисм, модул) ларга ажратилади, ўқув материални ўргатишнинг альтернатив йўллари назарда тутилади, ҳар бир бўлакни ўрганиш тест ёки бошқа йўллар билан назорат қилиниб, хато-камчиликлар тузатилиб борилади. Ўқув иши эталонда кўрсатилган натижага эришишни назарда тутати. Бу усул билим, куникма ва малакаларнинг зарур минимумини эгаллашда кўпроқ самара беради. Технологик ёндашувни қўллаш қўйилган ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайди.

Тадқиқий- ижодий ёндашув таълимнинг мақсади талабада бирор муаммони ечиш қобилиятини ўстириш, янги билимни мустақил ўзлаштириш, ҳаракатнинг янги усуллари топиш, шахсан ташаббус кўрсатишни, ижодкорлик, фаолликни назарда тутати. Тадқиқий ёндашувда ўқувчининг ўқув-билиш фаолиятига педагог рағбатлантирувчи усулда раҳбарлик қилади, боланинг шахсий ташаббусини қўллаб-қувватлайди, бола билан ҳамкорлик қилади, унинг фикр ва қизиқишларини олдинги ўринга қўяди.

Анъанавий ва ноанъанавий ўқитиш шакллари

Анъанавий ўқитиш шакллари. Ўнлаб йиллар ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, анъанавий дарс ўтиш таълимнинг самарали моделларидан бири бўлиб қолмоқда.

Анъанавий дарс- муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган, мавзуга кириш, ёритиш, мустаҳкамлаш ва яқунлаш босқичларидан иборат таълим моделидир.

Ўқув материали янги ва анча мураккаб бўлганда, анъанавий дарс - кўп ҳолларда таълим жараёнининг бирдан-бир методи бўлиб қолмоқда.

Маълумки анъанавий дарсда таълим жараёнининг марказида ўқитувчи туради. Шу боис, баъзида анъанавий дарснинг марказида ўқитувчи турган ўқитиш усули деб ҳам аташади.

Марказда ўқувчи бўлган ўқув жараёнининг, дарснинг мақсади ва унинг ижобий жиҳатлари қуйида келтирилган асосларга таянади:

- Ўқувчининг ўқишга бўлган иштиёқини ошириб бориш
- Илгари эгалланган билимларни ҳам инobatга олиш
- ўқиш жараёни тезлигини мувофиқлаштириш
- ўқувчи ташаббуси ва мажбуриятини қўллаб-қувватлаш
- Амалиёт орқали ўрганиш

¹ Ўша жойдан, 6-7 бб.

- Икки томонлама фикр- мулоҳазалар билан таъминлаш
- Ўқиш жараёнини туғри йўлга қўйиш
- Ўқитувчи- ўқувчилар учун ўқув жараёнини енгиллаштирувчи шахс
- ўқув жараёнини баҳолаш

Анъанавий дарс ўтиш моделида кўпроқ маъруза, савол-жавоб, амалий машқ каби методлардан фойдаланилади. Шу сабабли, бу ҳолларда анъанавий дарс самарадорлиги анча паст бўлиб, ўқувчилар таълим жараёнининг пассив иштирокчиларига айланиб қоладилар.

Тадқиқотчилар фикрига кўра маъруза иккита камчиликка эга.

1. Одатда тингловчилар, унинг мазмунини нисбатан кам қисмини ўзлаштирадилар. Талабаларнинг конспектив ёзганларидан келиб чиқиб ўлчанган, эллик минутлик маъруза давомида уларнинг диққат даражаси тадқиқотларидан бири шуни кўрсатадики, улар дастлабки ўн беш минутда айtilган материалнинг 41 фоизини, ўттиз минутда 25 фоизини ва эллик минутда 20 фоизини ёзиб олганлар. (J. McLeish, Пеннер келтирилган, 1984). Талабаларнинг маърузада хулқ атворларини кузатган бошқа тадқиқотчи, ўз кузатишларини шундай тасвирлайди.

10 % датлабки ўн беш минутда эътиборсизлик аломатларини кўрсата бошлади. 18 минутдан сўнг тингловчиларнинг учдан бир қисми қимирлай бошлади. ўттиз беш минутдан кейин ҳамманинг диққати сочилиб кетди, 45 минутдан кейин эшитувчилар камроқ қимирлай бошладилар ва кўплари хаёлга чўмиб қолди. 47 минутдан кейин айримлари ухлаб ўтирдилар ва биттаси ўқиб ўтирарди. Бир кундан кейин ўтказилган билимларни текшириш, тингловчилар маърузанинг кам аҳамиятли жойларини, уларни ҳам ноаниқ эслаб қолганларини кўрсатди. (Вернер ва Диккинсон, 90 бет, Bonwell and Eison дан келтирилган).

2. Маъруза одатда эшитувчилардан анча паст тартибдаги ўйлашни талаб қилади: кўпроқ бу билиш ва эсда қолдириш. Лекин ажойиб ғоясини эслаб қолиш ҳали, ўзи ажойиб ўйлайди дегани эмас. Аниқланишича, маърузалар ахборт бериш борасида мунозаралардан яхшироқ эмас ва унга иштирокчиларнинг муносабатини ўзгартириш таҳлилий фикрлаш ва муоммоларни ечишга рағбатлантириш қобилияти билан ён беради. (Costin.1972)

Дарвоқе, маърузаларнинг ҳар ҳолда чекланган бўлсада, ўз афзалликлари бор: (1) Улар катта мавзуй шарҳ ҳолида жуда самарали бўлиши мумкин. У ўқувчиларнинг эътиборини йўналтиради ва мавзунини чуқурроқ ва тушунарли бўлишига ёрдам беради.

Шунингдек, (2) маъруза тингловчиларининг ҳаммасига матн ёзилган алоҳида нусхани бериш иложи бўлмаганида, материални бериш учун анча самарли усул бўлиб хизмат қилади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли- туман ўқувчилар фаоллигини оширадиган методлар билан бойитиб борилса, ўқувчилар ўзлаштириш даражасини кўтарилишига олиб келади.

Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда баҳс, мунозара, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, тадқиқот ролли ўйинлар методларини қўллаш, ранг-баранг қизиқтирувчи мисолларнинг келтирилиши, ўқувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш, ранг-баранг баҳолаш усуллари билан фойдаланиш, таълим воситаларидан ўринли фойдаланиш талаб этилади.

Ўқитишнинг ноанъанавий моделлари.

Ўқитишнинг ноанъанавий моделларини 3 га ажратиш мумкин:

- ҳамкорликда ўқитиш модели;
- моделлаштириш;
- ўрганишнинг тадқиқот модели.

Бу моделлар асосан ўқувчи шахсига қаратилган бўлиб, уларни марказда ўқувчи турган таълим моделлари деб аталади.

Моделлаштириш- реал ҳаётда ва жамиятда юз бераётган ҳодиса ва жараёнларни ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган кўринишини (моделини) синфхонада яратиш ва уларда ўқувчиларни шахсан қатнашиши ва фаолият эвазига таълим олишини кўзда тутувчи метод.

Ҳамкорликда ўрганиш модели - ўқувчиларнинг мустақил гуруҳларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган метод.

Ўрганишнинг тадқиқот модели - ўқувчиларни муайян муаммони ечишга йўналтирилган, мустақил тадқиқот олиб боришини кўзда тутувчи метод.

Ўқитишнинг анъанавий ва ноанъанавий шаклларининг ютуқ ва камчиликларини қуйидаги жадвал асосида таҳлил қиламиз:

Таълимнинг анъанавий шакллари	
Афзалликлари	Камчиликлари
• маълум кўникмаларга эга бўлган ва аниқ маълум тушунчаларни, фанни ўрганишда фойдали. • Ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёнини ва ўқитиш муҳитини юқори даражада назорат қилиниши. • Вақтдан унумли фойдаланиш. • Аниқ, илмий билимларга таяниш.	• Ўқувчилар пассив иштирокчи бўлиб қоладилар. • Ўқитувчининг тўла назорати барча ўқувчилар учун мотивацияни вужудга келтирмайди. • Ўқувчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириша олмайди. • Эслаб қолиш даражаси ҳамма ўқувчиларда бир хил бўлмаганлиги сабабали, синф бўйича ўзлаштириш даражаси паст бўлиб қолиши мумкин. • Мустақил ўрганиш ва ечимлар қабул қилиш учун шароитлар яратилмайди.

Таълимнинг ноанъанавий шакллари

Афзалликлари	Камчиликлари
• Ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиши. • Ўз вақтида алоқаларнинг таъминланиши. • Тушунчаларни амалиётда қўллаш учун шароитлар яратилиши. • Ўқитиш усуллариининг турли хил кўринишлари таклиф этилиши. • Мотивацияни юқори даражада бўлиши. • Ўтилган материалнинг яхши эслаб қолиниши. • Мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашиши. • Ўз-ўзини баҳолашнинг ўсиши. • Ўқувчиларнинг предметнинг мазмунига, ўқитиш жараёнига бўлган ижобий муносабати. • Мустақил фикрлай оладиган ўқувчининг шаклланишига ёрдам бериши. • Танқидий ва мантиқий фикрлашни ривожлантириши.	• Кўп вақт талаб этилиши. • Ўқувчиларни ҳар доим ҳам кераклича назорат қилиш имкониятининг пастлиги. • Жуда мураккаб мазмундаги материал ўрганилаётганда ҳам ўқитувчи ролининг паст бўлиши. • «Кучсиз» ўқувчилар бўлганлиги сабабали «кучли» ўқувчиларнинг ҳам паст баҳо олиши. • Ўқитувчининг ўзи ҳам яхши ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмаларига эга булишининг талаб этилиши.

• Муаммолар шаклланиши.	ечиш кўникмаларининг
----------------------------	----------------------

Инновацион педагогикани, кўпинча, анъанавий, альтернатив деб атайдилар. Фараз қилаётган ривожланиш стратегиямиз «ривожлантирувчи ўқитиш» йўналишларидан, энг аввало, ўз интилишларини мактабда инновацион усуллар орқали иқтисодий тушунчаларни қарор топтириш, иқтисодий билимдонликни ва маданиятни шакллантиришга қаратилган. «Болаларнинг қанақа туғилиши бу ҳеч кимга боғлиқ эмас, лекин ҳар бир инсоннинг етарлича ривожланиши, юқори даражага эришиши, ўзига ёққан машғулот билан шуғулланиши ва ҳаётда ўз ўрнини топиши, ўз ҳаётини муносиб ўтказиши, мактабга боғлиқдир», -деб таъкидлайди А. Мунавваров (70,78). Бугунги кунда гуманистик педагогика уни мактабдаги муносабатлар марказига қўйишни ва кераклигича ривожлана олиши учун ҳамма ишни бажаришни талаб қилади.

«Гуманистик педагогикани кўпинча, **ИННОВАЦИОН** деб атайдилар, лекин унинг инновационлиги фақатгина биз учун, замонавий ғарб тизимлари алақачон гуманистик йўналишга ўта бошлаб ва аста секин янги муносабатларга айлана бошлаган» (70,87)

Гуманистик педагогикани тўла маънода инновацион деб айтиш мумкин. У ташқаридан инъекция талаб қилмайди. Юқори ўқув тарбиявий таъсир натижалари тизимининг қайта ташкил этилиши эвазига эришилади.

Гуманизм (инсонпарварлик) - инсоннинг дунёдаги энг қимматли маънавий бойликларнинг ягона концепциясидир. Бу концепциянинг асосий қондаси шахс кадр қимматини ҳимоя қилиш, унинг эркинлик, бахт, ривожланиш ва ўз қобилиятини намоён этиш ҳуқуқини тан олишдан иборатдир.

Инсонпарварлик педагогикаси ўз навбатида шахсга қаратилган. Унинг белгилари:

- иқтисодий тушунчаларни эгаллаб олиш ва маълум доирадаги маҳорат ва кўникмаларни юзага келтириш ўрнига психик, жисмоний, интеллектуал (ақлий) ривожланишга диққатнинг қаратилиши;
- кучларни эркин, мустақил фикрловчи ва ҳаракат қилувчи шахсни шакллантириш учун жамлаш, ҳар қандай ҳаётий ва ўқув вазиятларда асосли қарорни танлаб қабул қила оладиган инсонпарвар фуқорони етиштириш;
- ўқув жараёнини муваффақиятли қайта йўналтиришга эришиш учун керакли ташкилий шарт- шароитлар билан таъминлаш.
- Ўқув жараёнини инсонпарварлаштиришда авторитар педагогикадан, педагогик босимдан воз кечиб, ўқувчи ва педагог ўртасида ҳақиқий инсоний муносабатлар ўрнатиш, ўқувчи фаолияти ва шахси асосий аҳамият касб этувчи, шунингдек, шахс тарбиясига қаратилган педагогикани тушуниш керак.

Инсонпарварлик нуктаи назаридан тарбиянинг асл мақсади ҳар бир тарбияланувчининг муносабатлари, ўзлаштириш фаолияти, тўла ҳуқуқли субъектнинг мустақил, эркин шахс бўлиб етиштиришдан иборатдир.

Таълим-тарбия жараёнининг инсонпарварлик даражаси, шу жараёнда шахс ўзини намоён эта олиши, ўзидаги ҳамма таълим олиш имкониятларини, шу жумладан иқтисодий билимдонликни очиб бера билиши, унинг эркинликка қобилияти, ижодга маъсулиятини очиб бериши учун шарт-шароитлар яратиб бериши билан белгиланади.

Инноватика муаммоларига мурожаат этиш ва уларни муҳим замонавий илмий фикрлаш йўналишларига қўшиш жамиятда инновацион жараёнлар динамикасининг ўсиб бораётганлигини тушуниш натижасида вужудга келди. Адабиётларда инновация муаммолари кўп вақтгача иқтисодий тадқиқотлар тизимида ўрганилиб келинди. Аммо вақт ўтиши билан жамият ҳаёти фаолиятининг ҳамма соҳаларида чунончи педагогик инновацион ўзгаришлари асосида сифат характеристикаларини баҳолаш муаммоси юзага келди. Бу ўзгаришларни фақатгина умумий назариялар билан аниқлаб бўлмайди.

Инновацион жараёнларни ўрганиш учун бошқа йўллар зарур, унда инновация таҳлили фақатгина фан ва техника эришган замонавий ютуқлардан фойдаланишигина

ўз ичига олмай, балки, бошқариш, таълим, ҳуқуқ, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларни ҳам камраб олади.

Инновация педагогик муаммолар ечимини излаш, таълим соҳасида инновацион жараёнларнинг бориши, хусусиятлари, мазмуни таркиби ва классификацияси, текшириш натижаларини таҳлил қилиш билан боғлиқ.

«**Инновация**» тушунчаси биринчи марта XIX асрда маданиятшунослар изланишлари натижасида пайдо бўлди ва бир маданият элементларини бошқасига жорий қилиш маъносини билдирди. Унинг бу маъноси этнографияда ҳозиргача сақланиб қолган.

Педагогикада, хусусан иқтисодий тарбиялаш муаммоларининг ечимини топишда инновацион ўзгаришлар XX асрнинг 70- йилларидан эътиборан таълим жараёнига тадбиқ қилина бошланди.

XX аср бошларида бирор билим соҳасига янгиликларни киритиш ва қўллаш фани юзага келди. У маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида техник янгиликларни киритиш қонуниятларини ўргана бошлади. 30-йилларда АҚШда «инновацион фирма сиёсати», «инновацион жараён» атамалари пайдо бўлди. 60-70 йилларда ғарбда фирмалар ва бошқа корхоналар амалга ошираётган янгиликларни эмперик текширишлар кенг қулоч ёяди. Шу билан бирга, диққат икки асосий текширишлар соҳасига қаратилади, уларнинг ҳар бирида ўзларининг назарий - методологик маданияти устун туради.

Фирма янгиликларини киритиш ташаббускори ва яратувчиси сифатида намоён бўлиб, бу унинг янгиликларни киритишга «сезувчанлиги», «таъсирчанлиги» ва шу таъсирчанлик бошқаришнинг тузилиши ва услублари билан боғлиқдир.

Қарор қабул қилиш жараёни концепцияси текширишлари дастури сифатида қаралиб, бунда альтернативларни тиклаш ва таҳлил қилиш, қабул қилинган қарорларни кетма-кет босқичлар билан амалга оширишга ўтилади.

Бу икки соҳада янгиликлар киритиш ва текширишлар бир қатор фанларнинг назарий янгиликларидан фойдаланишни тақозо этади.

Олимлар янгиликлар киритиш ва текширишни уч босқичга ажратадилар:

Биринчи босқич- янгиликлар муваффақиятига ёрдам берувчи ёки тўсқинлик қилувчи омилларни ўрганиш ва турли хил янгиликларнинг эмпирик маълумотларини таҳлил қилиш.

Иккинчи босқич- янгилик киритиш жараёнининг ўзини бир соҳа муҳитидан иккинчи соҳага олиб ўтиш механизмининг ҳисобга олиш билан биргаликда ўрганиш деб қарайдилар.

Учинчи босқичда- тадқиқотчи диққати турли хил инновацион вазиятларни таҳлил қилиш, таваккалчиликни баҳолаш методларини ишлаб чиқиш, янгиликларни киритиш соҳасида тавсияномалар юзага келтиришларига қаратилади.

Педагогик инновацион жараёнларни ғарбда 50-йиллар охирларидан бошлаб, бизнинг мамлакатимизда эса XX асрнинг сўнгги 10 йилликларида бошлаб олимлар томонидан ўрганила бошланди. Жаҳон педагогик жамоатчилигининг қизиқиши махсус инновацион хизмат, нашриёт фаолияти журналлар ва информацион мақолалар кўринишида пайдо бўляпти. Хусусан, ЮНЕСКО қошидаги таълимни ривожлантириш Осиё педагогик инновациялар маркази, Очиқ жамият институти мавжуд бўлиб, дунёдаги турли мамлакатлардаги педагогик янгиликларни умумлаштириб, таълим масалалари буйича халқаро бюро билан биргаликда педагогик жамоатчиликка махсус нашрларда улар ҳақида маълумотлар тарқатади.

Ўзбекистонда педагогик инновациянинг ривожланиши педагог олимларнинг ҳаракати (С. Ғуломов, Б. Фарберман, У. Нишоналиев, Н. Сайидахмедов, М. Очилов, М.Махмудов ва бошқалар.) мактабининг тез ривожланишига бўлган талаб билан боғлиқ. Шу сабабли янги билимларга бўлган талаб, янги «янгилик», янги «инновация», «инновацион жараён» тушунчаларини англаш талаби ортди.

«Инновация» сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, янгилик киритиш деган маънони билдиради.

Инновацион жараённинг микроструктурасини ўрганиб, олимлар янгилик киритишнинг «хаётий цикли» концепциясини алоҳида кўрсатадилар. У янгилик киритиш давомида ўтиб борадиган жараён деган фикрдан келиб чиқади. Бу жараён янгликни яратиш ва ижро этишни таъминловчи фаолиятларни турларга ажратувчи босқичларга бўлинади. Ҳозирги даврга келиб илмий адабиётларда қўйидаги инновацион жараёни босқичларга ажратиш тизими мавжуд:

Янги ғоянинг пайдо бўлиш ёки янгиликларнинг юзага келиш босқичи, уни шартли равишда фундаментал ва амалий-илмий текширишлар натижаларидан келиб чиқадиган янгилик босқичи деб атайдилар:

Кашф этиш босқичи, яъни объект моддий ёки маънавий маҳсулот намуна кўринишидаги янгилик яратишдир.

Яратилган янгиликнинг амалий қўлланиши уни қўшимча ишлаб киритиш орқали юқори самарадорликка эришиш билан якунланади. Шундан сўнг янгилик киритиш жараёни кейинги босқичга ўтади. Бу босқич фақатгина янгиликни қабул қилиш шarti билан амалга ошади. Янгиликдан фойдаланиш даврида кейинги босқичлар кўринади.

Бу босқичда янгиликнинг тарқалишига, унинг янги соҳаларига диффузиялашиб (аралашиб, қўшилиб), кенг татбиқ этилишидан иборат.

Янгиликнинг бирор соҳада ҳукмрон бўлиши, бунда, хусусан, янгилик ўз янгилигини йўқотиб, янгилик сифатида мавжуд бўлмай қолади.

Янгилик қўлланишининг доираси қисқариб, унинг янги маҳсулдорлиги билан алмашади.

Юқорида келтирилган инновацион жараёнлар бир-бирини кетма-кет алмаштириб, мунтазам тизим, унинг реал ривожланиб боришининг соддалаштирилган схемасини ифодалайди. Бирор аниқ инновацион жараён бу босқичларни ўз ичига олиб, улар кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлигига сўзсиз риоя қилиши шарт эмас.

Инновацион жараён бошқа сифатли ҳолатга ўтиш эскириб қолган қоида ва вазиятларни қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлади.

«Янгилик киритиш ички мантиқ ва йўналишига эга бўлиб, янгилик ғояси (фикри) туғилишидан то унинг фойдалана бошланишигача бўлган ҳаракатларни ривожлантириш ҳамда инновацион жараён иштирокчилари ўртасидаги муносабат мантиқни ифодалайди» (Гузеев, 1996, 112).

Шу тариқа янгилик киритиш динамик тизим бўлиб, ички мантиқ каби вақт давомида қонуний ривожланиши унинг атроф- муҳит билан ўзаро боғлиқлигини ифодалайди.

Инновациоан жараён тузилиши янгиликни бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиб бориши билан ўзгариб боради. Шу билан бирга, янгиликнинг динамик хусусиятлари ва унинг натижа- якуни ҳамда самарасига боғлиқ бўлади.

Янгиликнинг якунланганлиги ёки унинг имкониятлари муайян мақсаднинг амалга оширганлик даражаси инновацион жараённинг ҳамма босқичларида қанчалик муваффақиятли бўлишига боғлиқдир. Янгиликнинг самарадорлигини унинг натижасидан белгилаш керак бўлади.

«Инновация» терминига яқин бўлган тушунчалар «ўзгариш», «мукаммаллаштириш», «ислоҳ қилиш» тушунчалари ҳисобланади, аммо улар ўртасида маълум фарқлар мавжуд.

Янги педагогик текширишларни баҳолашнинг асосий ўлчовларидан бири бўлиб, у ижодий жараённинг асосий натижасидир. Бу ўз навбатида ҳар қандай янгилик киритишнинг мустақил қиймати ва хусусиятидир.

«Янги» тушунчаси инновацион педагогикадан марказий тушунчалардан бири ҳисобланади. Агар аввалги «биринчи яратилган» таърифи илгари умуман маълум бўлмаган бирор нарса ҳақида тасаввур берса, кейинги- «яқиндан бери» ва айниқса

«янгидан очилган» каби таърифлар эса янгиликда қандайдир даража «эскилик» элементи, нимадир илгари бўлган бирор нарса борлигини ифодалайди.

Янгиликнинг икки тури ҳақида гапириш мумкин:

Биринчи марта яратилган янгилик, бу янгилик ихтирога тенг, яъни ўрнатилган янги ҳақиқатдан иборат.

Таълим бериш ва ўқитиш бирлаштирувчи кўринишли категориялар сифатида педагогик ишлар ва мунозараларда тарбия тушунчасини иккинчи ўринга суриб, уни йўққа чиқарувчи муҳим субъектив-объектив кўринишдаги категория, бу таълимдир.

Таълимнинг ўзига хос томони, у тарбияни ижтимоий ҳодиса сифатида педагогик фаолият, шахснинг шаклланишини ўзига бирлаштириб, ана шу учта асослардан реал педагогик жараёни тузади, бу жараён турли таълим-тарбия концепциялари, назариялари ёрдамида лойиҳалаштирилади ва таълим тизими муассасаларида тадбиқ этилади.

Таълим тушунчаси, бу умумий яхлит функционал ва мазмунли категориядир.

Гуманистик педагогика мактаби ўқувчига мослашувни ва унга қулай шароит ва технологик ҳимоя билан таъминлашни талаб қилади.

Инсонпарварлик мактаби амалиёти инновацион фаолиятнинг аниқ шакл ва услубларини ишлаб чиққан. Қуйидаги ана шулардан айримлари намуна сифатида келтирилади:

- ўқув- тарбия фаол
- иятини дифференциаллаш;
- ўқув- таълим жараёнларини ҳар хил шахс ҳислатига қараб мувофиқлаштириш;
- ҳар бир тарбияланувчи қобилияти ва қизиқишини ривожлантириш учун керакли шароитларни яратиб бериш;
- гомоген синфлар ва уларнинг ўхшашларини ташкил қилиш;
- ўқув- тарбия фаолиятининг қулайлиги;
- психологик ҳимоя;
- ўқувчига ва унинг кучи ҳамда имкониятларига ишониш;
- ўқувчини қандай бўлса, шундай қабул қилиш;
- таълим-тарбия ишларини муваффақиятини таъминлаш;
- мактабнинг мақсадли йўналишини ўзгартириш;
- ҳар бир ўқувчи ривожланиш даражасининг асосланиши;
- ўқитувчининг шахсий ички йўл-йўриқлари ва уларни қайта йўналтириш;

инсонпарварлик таълимини кучайтириш.

Ўқувчиларда инновацион усуллар орқали иқтисодий тушунчаларни шакллантириш кўп жиҳатдан таълим тарбия тизимини мунтазам мукамаллаштиришга боғлиқ бўлади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., «Шарқ», 1998 йил.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., «Шарқ», 1998 йил.
3. Каримов И.А. «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» Т., 1997 йил.
4. Каримов И.А. «Маънавий юксалиш йўлида» Т., «Ўзбекистон» 1998 йил.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда» Т., «Ўзбекистон» 1999 йил.
6. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкуриси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. // «Тафаккур», 1998 йил, 2-сон.
7. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994 йил.
8. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарқ». 1998 йил.
9. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения . М., «Педагогика», 1995.
10. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии.М., 1989 г.
11. ЙўлдошевЖ. Янги педагогик технология: йУналишлари, муаммолари, ечимлари. // «Халқ таълими», 1999 йил, 4-сон, 4-11 бетлар.
12. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. М., 1989 г.
13. Lewy Itross, Bathory Z. The Toxonomy of Educational obyektiv in Continental. Evrop, Univ. of Chikago.1994.P.146-163/
14. Маҳмудов М. Ўқув материални дидактик лойиҳалаш тизими. // «Педагогик маҳорат», 2002 йил, 3-сон, 3-11 бетлар.
15. Маҳмудов М. Таълим натижасини лойиҳалаш. // «Педагогик маҳорат», 2003 йил, 1-сон, 8-10 бетлар.
16. Назарова Т.С. Педагогическая технология: новый этап эволюции. Т., 1999, ст.
17. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. Қарши, «Насаф», 2000 йил.
18. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. Книга 1. М., «Владос», 2000 г.
19. Сайидахмедов Н.Янги педагогик технологияларнинг моҳияти. // «Халқ таълими», 1999 йил, 1-сон, 97-102 бетлар.
20. Сайидахмедов Н. Таълимда ҳаракатлант ирувчи куч. // «Маърифат», 1998 йил, 16 январь.
21. СОРОС халқаро очик жамиятининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» фанлараро дастури. Т.
22. Фарберман Б.Л, Мусина Р.Г, Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 йил.
23. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии.-Т.,1999.

АСОСИЙ АТАМАЛАР

Таҳлил қилиш учун саволлар	Ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнини тўла англаган, мавзунини умумий тарзда тушуниб олинган ҳолда унинг таркибий қисмларини ўрганишга йўллайдиган саволлар.
Боҳолаш учун саволлар	Мавзунини ўзича тушунган ҳолда ва қадриятларнинг муайян тизимга асосланган фикр ва мулоҳазаларини шакллантиришга йўллайдиган саволлар.
Эслаб қолиш учун саволлар	Хотирадан ахборотни Чақириқ этишга ва уни таниб олишга ёрдам берадиган саволлар
Ўтказиш учун саволлар	Ўқувчиларни ахборотни янги шаклларга ўзгартиришга ундайдиган саволлар
Ишлатиш учун саволлар	Янги вазият тушунчасида муаммони ечишга ёки фикрларни ишлаб чиқишга йўллайдиган саволлар.
Синтезлаш учун саволлар	Ҳолатларни ягона ёки такрорланмас шаклларга шакллантиришга ундайдиган саволлар.
Талқин этиш учун саволлар	Ўқувчиларни фикр, факт ва қадриятлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни очишга ундайдиган саволлар.
Чақириқ	Дарснинг шундай босқичи, бунда ўқувчилар мавзу бўйича билганлари тўғрисида ўйлашга, мавзуга доир саволларни беришга ва ўрганиш учун вазифалар қўйишга йўналтирилади.
Танқидий фикрлаш	Берилгандан кўпроқ мазмундаги фикрларни ишлаб чиқиш; мавзудаги янги жиҳатларни кўриш; муаммоларни топиш ва уларни ҳал қилиш, шу билан бирга далилий ёзиш ёки мунозараларда содир бўлганидек, фикрлар ўртасида ҳар хил тафовутларни топиш.
«Кубиклар»	Мавзу бўйича олти саволни тузишга ва уларга жавоб беришга ундайдиган ўқитиш усули. Саволлар Блумнинг баҳолашидаги саволлар даражасига мувофиқ келади.
Аҳамиятни англаш	Дарснинг шундай босқичи, бунда ўқувчилар билимларни излайдилар ва ўрганадилар, шу билан бирга, ўз фаолиятининг натижасида аҳамиятни яратадилар ва англайдилар.
Кластерларга бўлиш	(Баъзан билим орттирадиган семантик карталарни тузиш деб номланади) Кластерларга бўлиш - мавзу қисмлари ўртасидаги муносабатларни очиш стратегиясидир.
Фикрлаш	Дарснинг шундай босқичи, бунда ўқувчилар ўзлари тўқнашган фикрларга ва англаб етган маъноларга қайтадилар, шу билан бирга, саволлар берадилар, талқин этадилар, қўллайдилар, мунозара қиладилар, маъно ва аҳамиятларни шубҳа остига қўядилар ёки билишнинг янги соҳаларига ушбу маъноларни татбиқ этадилар.

Синквэйн	Ўқувчиларни мавзу тўғрисида фикрлашга ундайдиган беш қаторли шеър, улар қофияли бўлиши шарт эмас, хулоса чиқариш воситаси сифатида ишлатилади.
Блум баҳолаши	Бенжамин Блум ва унинг ҳамкасблари, баҳолашни ёки фикрлаш даражаларининг тартибланган шкаласини ишлаб чиқишди. Ушбу баҳолаш «паст даражадан» «юқори даражага» кўтарилиб борадиган турли саволларни тавсифлаш учун кенг қўлланилади. Қаранг (Блум Б.С., Энгельхарт М.Д., Фурст Е.Ж., Хилл В.Х., ва Кратвол Д.Р., 1997. Таълимий вазифаларни баҳолаш; Таълимий мақсадлар таснифи; I қўлланма: Билим олиш соҳаси. Нью Йорк Лонгмэн Грин)
Асос	Ўзаро боғланган (баъзида ўзаро алмаштирилган) қатор фикрлар, масалан, Чақириқ /англаш/ фикрлаш асосларида стратегияларни ҳар бир босқичнинг ичида, агар янги стратегиялар ўша мақсадларга хизмат қилса, алмаштириш мумкин.
Амалга ошириш	Синфга янги ўқитиш жараёнини қўллашга ҳаракат қилиш сифатида фикрни амалиётда амалга ошириш.
ИНСЕРТ	Самарали ўқиш ва ёзиш учун белгиларнинг интерактив тизими (инглиз тилидаги сўзларнинг бош ҳарфларига кўра), матнда белгилаш учун илгариги билимларни излаш ва савол беришдан бошланадиган кейин эса матнда учрайдиган турли хил ахборотларни белгилаш русум - қоидаси.
Фаол ўрганиш	Изланиш ёки кашфларга кўмак берадиган ўқитишга ёндашиш.
Ақлий ҳужум	Мавзуга киритилган кўп фикрларни бошланишидан танқид қилмасдан эркин ҳолда ишлаб чиқиш.
Танқидий фикрлаш	Фикрларни турли хил нуқтаи назарлардан, жумладан уларнинг аҳамияти ва уларни бошқа фикрлар билан солиштиришни кўриб чиқиш жараёни.